



O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли дарамадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2011 йил Ўзбекистон Республикасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Куйидаги йўналишларга асосланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва голларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буортмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмларини такомиллаштириш ва унификациялаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажминини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултациявий қўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси зиммасига «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика ҳудудларида белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Бунда куйидагиларга:

тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари — энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотуражой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланишига;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортқича чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури бўлими ва бандларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этсин. Дастурга киритилган тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорақ якуналари бўйича «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб бурсин.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми ўсишига муҳим аҳамият берилгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шаклларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритсин;

ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар экспорти ҳажмида ҳамда таркиби тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб бурсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг қўламда тушунтирилишини;

республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Дастурнинг амалга оширилиши мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 февраль

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон — Япония: Ҳамкорликнинг янги босқичи

ТОКИО, 9 февраль. ЎЗА махсус муҳбири Олим Тўрақулов хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Токиога келди. 9 февраль куни Ўзбекистон раҳбарининг Япония Императори Акихито, Бош вазири Наото Кан, ташқи ишлар вазири Сейджи Маехара билан учрашувлари бўлди. Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар из-

чил ривожланиб бораётганини, ҳам икки, ҳам кўп томонлама асосдаги ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича ёндашув ва нуқтаи назарлар ўхшашлигини таъкидладилар. Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги аънанавий дўстона, барқарор шериклик алоқаларига юксак баҳо бердилар. Учрашув ва музокаралар юқори технологиялар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини яна бир

бор тасдиқлади. Мамлакатларимизнинг юксак сармоявий салоҳияти ушбу йўналишлардаги қатор лойиҳаларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония — Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Токиога ташрифи арафасида мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлди. Бизнес-форум якуналари Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон Республикаси сармоявий са-



Мангуликка даҳлдор шоир Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда

Миллий адабиётимизнинг раванқ топишида, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавияти, диди ва дунёқарашини юксалтиришда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Она тилимизнинг кенг имкониятларини бутун дунёга тараннум этган Навоий ижодида улуғланган инсонларварлик, эзгулик, саховат, меҳр-мурувват, тинчликсеварлик каби ўлмас ғоялар бугун жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Шу кунларда бобокалонимиз таваллудининг 570 йиллиги маънавият, адабиёт, шеърят байрами сифатида кенг нишонланаётган. Таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда Алишер Навоий ижодида бағъланган адабий-бадвий кечалар, учрашувлар ўтказилаётган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бундан йигирма йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи би-

лан юритилувчи Миллий боғ барпо этилди ва улуг шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мазкур муазам боғ ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижий сайёҳлар билан ҳаммаша гавжум. Энди оила қураётган келин-қўевларнинг улуг мутафаккир бобомиз ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам юртдошларимизнинг у зотга бўлган эҳтирми ифодасидир.

⇒ 4

Мунозара ҳақида мулоҳаза

Ҳолва деган билан оғиз чучимайдди

Қуруқ ваъда ва мақтаниш обрў келтирмайдди

⇒ 2

Хушxabарлар

Тайланднинг Паттайя шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Pataya Open — 2011» халқаро турнирида дунёнинг кучли теннисчилари қаторида ўзбекистонлик Оқгул Омонмуродова ҳам голиблик учун куч синашмоқда.

Мамлакатимизда биринчи рақамли ракетка устаси нуфузли мусобақанинг дастлабки босқичида хитойлик Чжен Цзегга қарши кортга чиқди. Беллашувада Оқгул 6:4, 7:6 ҳисобида зафар қучди ва кейинги даврада Жанубий

Африка Республикаси вакили Шанель Схеперс билан рақобатлашадиган бўлди.

«Қорақалпоқавтотранс» акциядорлик жамиятининг Шуманай шаҳарлараро транспорт корхонаси томонидан Самарқандда ишлаб чиқарилган автобуслар келтирилди.

Лизинг асосида олинган бу автобуслар Шуманай-Нукус, Шуманай-Қўнғирот, Деҳқонобод-Хўжайли, Шуманай-Хўжайли йўналишлари бўйича йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Эътироф

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган маҳоботли бинолар, муҳташам ишоотларини кўриб, халқингизнинг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятидан лол қолдим.

Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва Ислам маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолари, қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий обиддалари билан дунёга машҳур. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга, интилувчан ва изланувчан, илмга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги порлоқ эканига яна бир бор амин бўлдим.

Баҳад Ал-МЕКРАД,
ўқитувчи (Қувайт)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЯМАТИ

1 Австралия доллари	1678,90	1 Миср фунти	279,46	1 СДР	2591,02	10 Жанубий Корея вони	14,98
1 Англия фунт стерлинги	2673,21	1 Канада доллари	1680,21	1 Туркия лираси	1046,14	10 Япония иенаси	201,56
1 БАА дирҳами	451,21	1 Хитой юани	252,70	1 Швейцария франки	1738,01	1 Россия рубли	56,34
1 АҚШ доллари	1657,19	1 Малайзия рингити	545,94	1 Евро	2273,75	1 Украина гривнаси	208,62

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийамада сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.



Мунозара ҳақида мулоҳаза

Ҳолва деган билан офиз чучимайди

Қуруқ ваъда ва мақтаниш обрў келтирмайди

Бугун сиёсий партиялар нашрларидаги партиялараро айрим баҳслар аниқ мисоллар асосида эмас, олди-қочди, энгил-епли гаплар орқали олиб борилмоқда.

Партия нашрларидаги бундай ҳужажуринга бўлаётган баҳслар қай даражада самара беради? Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшади?

Айримларимиз ўзаро танқидга рақибимизнинг обрўсини тўқадиган восита сифатида қараётганга ўхшаймиз. Танқид, аввало, асосли бўлиши лозим.

Партия нашрларидаги бундай ҳужажуринга бўлаётган баҳслар қай даражада самара беради? Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшади?

Мисол учун, биз шу мақсадда мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги маҳаллаларда амалий аҳамиятга эга қўлаб тадбирлар ўтказдик, фуқаролар йиғинлари раислари, оддий одамларни бевозта қилаётган муаммолар ўрганилди ва улар очик учрашув ва давра суҳбатларида кўп бор муҳокама этилди.

Туманимизда 50 та маҳалла ва 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд, — дейди Той-

Тўғриси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши маҳаллаларда қўшимча иш ўринлари яратишда фаол иштирок этишга интиляпти, — дейди ЎзХДП аъзоси, Жомбой тумани «Шодлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Матлуба Қўчимова.

ЎзЛиДеП нашрида биз маҳаллаларда олиб бораётган мақсадли ишларимиз тўғрисида жамоатчиликда нотўғри фикр

дан бошланғич ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ишини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

ЎзЛиДеП хусусий тадбиркорларни ўз электорати деб ҳисоблайди, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича катта ваъдалар берган. Лекин ҳолва деган билан офиз чучимайди. Амалий иш қилиш учун курашиш керак.

киши, иккинчисига 4 киши иш-ламоқда. Новвойхона қуришда ҳам шу партия депутатлари ва фаоллари ёрдам берди. Маҳаллаларда бошқа амалий ишлар ҳам қилинмоқда.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига



Назира МАТЯҚУБОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бандлик фаровонлик асоси

Юртимиз кундан-кунга обод, халқимиз турмуши фаровон бўлиб бормоқда. Шаҳарни қўя турарлик, қишлоқ жойларда ҳам кишилар муносиб ҳаёт кечириши учун ҳар томонлама қулай инфратузилма яратилаётир.

2010 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига 1,7 баробар, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошгани халқимизнинг турмуш даражаси ўсиб бораётганини кўрсатади.

Президентимиз йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболагасиз энг муҳим шартидир», дея таъкидлади.

Бу, аввало, касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни ўз вақтида иш билан таъминлашга имкон бериши, шу билан бирга, ёшлар ўзи меҳр қўйган касбининг эгаси бўлишига шароит яратди. Энг асосийси, шижоатга тўлган ёш йигит-қизлар иш жойи тайёр эканидан кўнгли тўқ ҳолда таълим олади.

Аҳоли бандлиги, айниқса, битирувчи ёшларни иш билан таъминлашда улар учун ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта. Шу боис бундай ярмаркалар натижаларини доимий мониторинг қилиб бориш яхши самара беради. Таҳлил қилиш жараёнида ўтказилган ярмаркалар сони ва унда қанча иш ўринлари тақлиф этилганга эмас, балки қанча одам иш билан таъминлангани ва бу ўринларнинг турмуш даражасига қай даражада таъсир кўрсатганига эътибор қаратиш лозим.

Партияимиз дастурий мақсадларида аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш устувор ҳисобланади. Аммо бунда фақат моддий ёрдам кўрсатиш тушунилмайди. Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакли, бу — иш билан таъминлашдир.

Бу масала ЎзХДП Марказий Кенгаши Ихроия Қўмитаси ва партия фракциясининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолининг кўпчилигини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакли, бу — иш билан таъминлашдир. Шу боис партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлар электорат манфаатини таъминлаш, яъни бандликка муҳим ҳаётий масала сифатида ёндашади.

Зеро, эркин меҳнат қилиши, ўз шижоати ва яратувчилиги билан оиласига ва жамиятга фойда келтириш, бундан мамнуний туйғуси ҳар бир инсон руҳини кўтаради, уни янада фаол ва жонқуяр бўлишга ундайди.

ЎзХДП ҳаёти

Олтириқ туман партия кенгаши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг иштирокини кучайтириш масаласига бағишлаб семинар-тренинг ўтказди.

Каноят АХМЕДОВА, Олтириқ туманидаги Фахрийлар сихатгоҳи бошланғич партия ташкилотли раиси:

— Ҳар бир партия аъзоси Концепцияни пухта ўрганиши зарур. Одамларнинг унда белгиланган масалаларга қизиқиши катта. Бошланғич ташкилотимиз атрофида 121 нафар аъзо билан бўлган. Бундай катта куч ва имкониятдан фойдаланиб, жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг самарали бўлишига эришиш керак. Шу тариқа жамият ҳаётидаги янги-янгиланш жараёнида барча фуқаролар фаол иштирок этишини таъминлаш мумкин, деб ўйлайман.

Илмидади КҮЗИЕВ, шифокор, ЎзХДП фаоли: — Концепцияда илгари сурилган ҳаётлар ислохотлар янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу боис унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш гоят муҳим. Бунда маҳаллий суд ислом динига бўлган ҳамкорлик яхши натижа беради.

Мухаммаджон ОБИДОВ

Шухрат ЭШБОВ



Зангиота туманида Тошкент вилоят ҳаётида туман Кенгашлари депутатлари иштирокида «Ёшлар — Ватанимиз келажги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ўсиб келаётган ҳар бир йигит-қиз ўз қобилиятини ривожлантириши ва тула намоен этиши учун ўз устида тинчмасдан ишлаши, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиши зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

— Муस्ताқил ҳаётга кириб келаётган йигит-қиз жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳаammaи масъул, — деди вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, вилоят партия кенгаши раиси Сирождидин Аъзамов.

Гулрух ОДАШБОВА

Хорижда

Оммавий тартибсизлик

Индонезиянинг Ява оролида оммавий тартибсизлик авж олди.



Хукумат тартиб ўрнатиш учун ҳарбий қўшинни сафарбар этишга мажбур бўлди.

Иш ўринлари қисқартирилди


Зимбабве Марказий банки икки мингга яқин иш ўринини қисқартирди.

Бунга унинг молиявий аҳоли ёмонлашгани сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, амалга оширилган бу чора

йилига 70 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ тежаш имконини беради. Зимбабве Марказий банки раҳбари Гидеон Гононинг гапига қараганда, иш ўриндан маҳрум бўлган қардимларга ёрдам пули ажратилган.

Махсус кучлар камлиги сезилаёпти

АҚШ махсус кучлари раҳбари, адмирал Эрик Олсоннинг айтишича, Афғонистонда махсус тайёрликдан ўтган қўшин камлик қилаёпти.



Унинг гапига қараганда, сўнгги тўққиз йил давомида турли вазиятда ўтказилаётган ҳарбий операцияларда иштирок этувчи махсус кучлар сони уч баробарга кўпайтирилди.



«Мутолаа» сотилди

Лондондаги «Сотбис» аукциониде Пабло Пикассонинг «Мутолаа» асари 25 миллион фунт стерлинг (40,2 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Буюк мусавир севгилиси Мария-Тереза Вальтернинг қиёфасини ифода этган картина 1932 йили чизилган. Мутахассисларнинг фикрича, мусавирнинг машҳур санъат асарларидан бири бўлган бу картина таҳминий қийматидан икки баробар қимматта сотилган.

Мушоҳада учун мавзу

Миллат шаъни

Халқимизда «Ўтирган — бўйра, юрган — дарё» деган нақл бор. Юрт кезган, яхши-ёмонни кўрган, турли ҳолатларга гувоҳ бўлган, бирини иккинчисига қийслаган одамнинг дунёқараши бутунлай бошқача бўлади. Бундай одамлар кўрган-кечирганларига суяниб фикр юритадилар.

Тўқсонинчи йилларнинг бошидаёқ биз истиқлолнинг буюк бир неъматидан баҳраманд бўлдик — халқимиз учун дунёга чиқиш йўллари очилди, собиқ тузум шароитида бу йўлга қўйилган гавлар олиб ташланди. Ривожланган ғарбу шарқ давлатларига сафар қилиш, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиш, савдо-сотик билан шуғулланиш, фарзандларимиз учун эса уларнинг нуфузли олий ўқув юртыларида таълим олиш имконияти юзага келди. Энг муҳими, фуқаролик паспортида «Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рўхсат берилди», деган ёзув пайдо бўлди.

Ҳар гал шу ёзувга қўзим тушганида, ич-ичимдан гурурланиб кетаман. Чунки истиқлолимизнинг маъно-моҳиятини шу биргина жамлада ҳам кўриш мумкин эди-да. Уни ўқиб, собиқ тузумнинг адосқиз тақиқлари ёдимга тушади. Шу бир жумла истиқлолимизни истеҳзо билан кутиб олганларга, уларнинг «Ўзларича мустақиллик эълон қилиб, бири иккинчисига эргашиб, сафга тизилаётган жумҳуриялар ҳеч қаёққа бора олмайдилар, миллий маҳдудликка берилдилар, маърифий дунёдан узиладилар ва эрта-индин сафимизга бўйин қилиб қайтиб келишди», деган калтабин даъволарига муносиб жавоб бўлди.

Ўзбекистон миллий маҳдудликка берилмади. Аксинча, дастлабки мустақил қадамларидоқ дунёнинг иқтисодий, маданий маърифий кенгликларига, илмий марказларига, ишбилармонлик, ҳамкорлик чорраҳаларига, тафаккур ва тараққиёт оламига интилд. Дунё ҳам, ўзи учун узоқ йиллар давомида ёпиқ бўлган бу муқаддас замин сари ошиқди. Қарс икки кўлдан чиқди — бугун бу интилишни самараларини ҳар биримиз ўз қўзимиз билан, ўз ҳаётимизда, ўз тақди-

Нақшбанд, Бурхониддин Марғиновий қадамжоларини зиёрат қилишни, ҳар соҳадаги ютуқлари билан дунёни ҳайратга солаётган мамлакатимизда меҳмон бўлишни орзулаганлар қанча.

Халқимизда: «Меҳмоннинг кўзи ўткир бўлади», деган нақл ҳам бор. Бошқа бир юрт, бошқа минтақага борган киши аввало аэропортда, меҳмонхонада, кўча-кўйда, айниқса, бозорда кўрган-эшитганларига жиддий эътибор беради. Бунинг боиси, бозор фақат олди-сотди қилинадиган жой эмас, бу макон жуда қадим замонлардан буён халқнинг турмуш тарзи, маданияти, харид қувватини кўрсатадиган ўзига хос кўзгу. Шарқ бозорларида миллатнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, қадриятлари, эзгуликка йўғрилган урф-одатлари ўз инфосини топади. Ўзга юртылардан келган сайёҳлар расталарни эринмай айланади, ёйма дўконлардан совға-салом харид қилишади, сотувчиларнинг муомаласига, хабардорларнинг ранг-рўйига эътибор беришади.

Жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни, ўтказилган ишловларнинг турмуш тарзида, онгшурини юз бераётган ўзгаришларни бозорда яққол сезиш мумкин. Мамлакатимиз бозорлари кенгайиб бораётгани, янгилири қурилаётгани, аскиларни қайта жиҳозланаётгани, сотувчи учун ҳам, олувчи учун ҳам зарур қулайликлар яратилаётгани, пештахталарда қўндалик эҳтиёт товарлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг қўлиги тўқин-сочинликдан, мўл-кўлчиликдан, аҳоли харид қувватининг ошаётганидан далолат беради.

Бозорнинг ўзига хос кўзулиги маъносини ҳам шунда. Унда ҳамма нарса аниқ-равшан кўриниш туради. Кўпчилигимиз дунёнинг бозорларида бўлганмиш. Лекин ўйлаб кўринг, қайси бир юртининг бозорида: «Кеп қолинг, деҳқончилик, арзон, пулингиз ўзингиз билан кетади, еб кўринг, еганга пул йўқ», деган сўзларни, «Сазангиз ўлмасин, майли, сиз айтган нарҳда бўла қолсин», деган лутфини эшита-

ларга гапириб беради. Юқорида айтиб ўтган сафаримиз чоғи Брюссель шаҳри марказидаги бозорда бўлган бир воқеа мени жуда ҳайратлантирган эди. Дўкондан ўзимга ёзлик қўйлак сотиб олмоқчи бўлдим. Танладим ҳам. Пулини тўламоқчи бўлиб турганим, ичкаридан бир киши чиқиб, қўйлакнинг баҳосини анча туширди. Мен хурсанд бўлдим. Аммо ўша ернинг ўзида билдимки, мен сотиб олаётган қўйлакнинг озроқ камчилиги бор экан. Дўкон мудири ўша камчилик жойини менга кўрсатди. Унинг фикрича, агар мен юртимга қайтганимдан кейин таниш-билишларимга: «Бу қўйлакни фалон юртининг фалон магзинидан билмай сотиб олдим», десам, яхши бўлмас эмиш.

Бу воқеани ҳали-ҳануз таниш-билишларимга айтиб, юраман. Яхши маънода, албатта. Бизда ҳам ҳар бир сотувчи шундай бўлиши керак, дейман. Бугун мамлакатимизда истеъмолчилар ҳақ-хуқуқлари жиддий ҳиммага олинган. Лекин ҳар бир кишининг ўзига инсоф бермас қийин. Ўзини ҳурмат қилган, инсофли, диёнатли одам ҳеч қачон бировини алдамайди, ҳақиқа хийнат қилмайди.

Бундан роса ўн йил аввал пойтахт бозорларидан бирига кираверишдаги пештоқда «Тарозидан уриш — оғир гуноҳ» деган ёзув пайдо бўлгани ёдимда. Бунга қанча сотувчи амал қилди ёки қилмади — буни айти олмайман, аммо шу ёзувга кўзи тушган киши бир сесканиб оларди.

Бу мулоҳазалар фақат бозорларимизга тегишли эмас. Миллатнинг шаънини ҳамма жойда — мамлакат дарвозалари ҳисобланмиш аэропортларда, вокзалларда, меҳмонхоналарда, транспорт воситаларида, йўлларда, тўйларда, кўча-кўйда, ўзаро муомалада ҳам сақлашимиз керак. Токи, Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, хориқликлар биздаги чин инсоний фазилятлар — юксак муомала маданияти, меҳр-оқибат, орият, ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва бағрикенгликни санаб, санаоғига етмай юришимиз.

Аҳмад ОҒАЛИЕВ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Ёш ватанпарварлар мактаби

Қашқадарё вилоятида қақриққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Қарши шаҳридаги 45-мактабда ўтган йили ҳарбий спорт синфлари ташкил этилди. Ҳозир бу ердаги етти ҳарбий спорт синфидида тест синовлари асосида саралан-

ган 170 ўқувчи тахсил олмақда. Улар ҳарбий-техник спорт турлари, замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тиллар бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлаётир.

Баркамол авлод орзуси

Эртанги кунимиз эгалари

Бугун мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, янги бунёд этилган бир-бирдан гўзал, муҳташам иншоотларни кўрасиз. Улар орасида мактаб, лицей, коллеж бинолари ўзининг кўркамлиги билан алоҳида ажралади туради.



Самарқанд вилояти Булунгур туманининг Йўлдош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 8-умумтаълим мактаби ҳам ана шундай замонавий таълим масканларидан биридир. Мактаб таълимни ривожлантириш умуммиллий давлат дастурига асосан 476 миллион сўм маблағ ҳисобига «Кучинур» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг қурувчилари томонидан реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган бу мактабда ўқувчилар пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилган.

— Илм-фан, техника ва технологиялар тараққий этган ҳозирги вақтда фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмастаслиги учун асризмизнинг сўнгги кашфиётларидан ҳисобланган интернет ва компьютер технологияларини мукаммал ўрганишлари талаб этилади, — дейди мактаб директори Соҳида Омонова. — Ўқув даргоҳимизнинг барча синфхоналари кенг ва ёруғ бўлиши билан бирга, давлат таълим стандартларига тўла жавоб берадиган ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Бундан ташқари, мактабда физика, кимё ва биология лабораториялари, кутубхонада эса жами 5428 та бадий адабиёт, дарслик ва методик қўлланма мавжуд. Улар ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама чуқур билим олишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, 18 хил газета ва журналларга обуна бўлганмиш. Бу ўқувчиларимизга мамлакатимиз ва дунёдаги янгиликлар, воқеа-ҳодисалар билан танишиб бориш имконини бermoқда.

Мактабда ўқувчиларнинг Жаззах вилояти Адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган МЧЖ шаклидаги «FRUITVITEХ» агрофирмаси Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси Устав фонди қамайтирилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида +99897-770-11-57 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Қонун ва ижро

Тиббиёт: бойитилган озиқ-овқат — саломатлик гарови

мамлакатимизда унни фортификациялаш, озиқ-овқатларни сапаламатлиқ борашида амалга ошириладиган ишлар ҳақида

Жамиятнинг барқарор ривожланиш омилларидан бири — шахсининг соғлом бўлишидир. Жаҳон тиббиёти, илм-фаннинг сўнгги 15-20 йиллик тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, дунё аҳолисининг ҳар хил хасталикларига чалиниши 80 фоиз ҳолатда организмда темир, йод, А-дармони, фолий кислотаси ва бошқа микронутриентлар танқислиги туфайли бўлаётди. Шу боис, инсон организмда микронутриентлар етишмаслиги, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш долзарб масалага айланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Минг йиллик мақсадларнинг асосий йўналишларидан бири — аҳоли орасида микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш, профилактика ишларини янада кенг қулабда олиб боришдан иборат.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқукуматимиз халқ саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратиб келди, соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилиши ҳам шу мақсадга қаратилган. Мамлакатимиз БМТ Минг йиллик мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаол қатнашмоқда. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда, оналар ва болалар соғлигини ҳимоялашда, жумладан, темир танқислиги камқонлиги, шунингдек, А-дармони етишмовчилиги, йод танқислигининг олдини олиш дастурлари амалга оширилмоқда.

Ҳаёт кўрсатиб турибди, соғлиқни сақлаш ҳимоялаш унинг ҳуқуқий асосларига бевосита боғлиқ. Республикада 2010 йил 7 июнда «Аҳоли ўрта-сидда микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида» Қонун қабул қилинди. 2010 йилнинг 23 ноябрыда унинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори тасдиқланди.

Дунёдаги 56 та давлатда озиқ-овқатлар фортификация этиляпти. Республикада ҳам мазкур Қонун асосида озиқ-овқатларни фортификация ва сапаламатлаштириш ишлари бошқарувида давлат таълим ишлари бўлими ва ҳаётга татбиқ этилди,

аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилаёпти. Тасаввур қилиб кўринг: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарларига кўра, ер юзидида 2 миллиард нафарга яқин аҳоли камқонлик даридаги чалинган. Афсуски, уларнинг асосий қисмини фертил-туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмирлар ташкил этади. ЖССТ ва ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган тиббий текширувда дунёнинг қайси мамлакатиди оналар ва болалар ўртасида камқонлик кўрсаткичи 30 фоиздан ошса, хасталиқнинг профилактикаси учун давлат томонидан чора-тадбир қўрилиши белгиланган. Ва бу ҳолат «хавфли чегара» ҳисобланади.

— 1996 йилда республикада ўтказилган халқаро тиббий текширувлар натижасига кўра, камқонликка чалиниш туғиш ёшидаги аёллар ва болаларда 60-61 фоизга ташкил этган, — дейди Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти Камқонлик маркази бошлиғи Дилором Сулаймонова. — Ҳукуматимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазиятни ўрганиб чиққач, 10 йил ичида аҳоли орасида микронутриентлар етишмаслигининг олдини олиш учун муайян дастурларни амалга оширди. Шу тариқа А-дармони сапаламатлаштириш 2004 йилдан, темир ва фолий кислотаси сапаламатлаштириш 2002 йилдан буён татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳозирги пайтда озиқ-овқатларни фортификация этиш (бойитиш)да мамлакатлар аҳоли энг кўп истеъмол қила-

диган арзон ва қулай маҳсулотни танлайди. Айтилиши, Хитойда балиқ сояси, Ҳиндистонда туз ва шаккар, Японияда гуруч, Норвегияда пишлоқ, Замибияда маккажўхори уни, Таиландда балиқ қайласи шундай неъмат. Республикада бундай маҳсулот бугунги ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, жаҳондаги 40 та мамлакатда ун фортификация қилинади. Масалан, Европа мамлакатларида 1990 йилдан, Осиё ва Африкада 1970-80 йиллардан, АКШ ва Канадада 1960 йилдан буён ун микронутриентлар билан бойитилади. Афсуски, Ҳамдўстлик давлатларида ҳали бу таъриба унча омаллашмаган, Россияда 1995 йилдан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 2001-2002 йиллардан уни бойитиш йўлга қўйила бошланди.

Мутахассис изохи: Дилором Сулаймонова, тиббиёт фанлари доктори. — Илмий-тадқиқотларимиз, кўп йиллик халқаро таърибалар шуни кўрсатаётдики, соғлом инсонлар ҳам бойитилган унни истеъмол қилиши мақсадга мувофиқдир. Республикада аҳолиси орасида камқонликка чалиниш ҳоллари учраб туради. 2002 йилдан буён 5 та пилот вилоятларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳрида) уни бойитиш Миллий дастури бўйича муайян чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Республикада 2002-2010 йилларда унни темир моддаси ва фолий кислотаси билан бойитиш (сапаламатлаштириш) дастури барча вилоятларда босқичма-босқич амалга оширилди. Тадбир натижаси Камқонлик маркази мутахассислари томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилади. — Ҳозиргача дастур доирасида аҳоли орасида камқонликнинг олдини олиш учун 4,3 миллион нафар туғиш ёшидаги аёллар, келинчақлар ва болалар

2 йил мобайнида бепул темир моддаси ва фолий кислотаси билан таъминланди. — дея давом этади Дилором Сулаймонова. — Халқаро таърибада сапаламатлаштириш «Тезкор дастур» деб аталади. Чунки дастур туфайли 2 йил давомида камқонликка чалиниш кўрсаткичини 2-3 марта камайтириш мумкин.

Дастурни амалга ошириш — мураккаб жараён, халқимиз топиб айтганидек, ҳолва деган билан оғиз чучи-майди, бир натижага эришиш учун машаққатли меҳнат қилиш керак. Асосий юмушларни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини амалга оширади. Очик айтиш керак, бундай дастур дунёнинг санокли мамлакатларидагина ишчи йўлга қўйилган. Шулардан бири Ўзбекистонимиздир.

Республикада ўтказилган тадбир натижасида кейинги 12 йилда аҳоли орасида камқонлик касаллиги 28 фоизга камайди. ЖССТнинг кўрсатмалари бўйича камқонлик хасталиги 2 та даврга бўлинади. Илмий тадқиқотлар натижаси республикада туғиш ёшидаги аёлларнинг 60-80 фоизидида камқонликнинг бошланғич дари — «яширин камқонлик» бўлиши мумкинлигини кўрсатаёпти. Демак, туғиш ёшидаги аёллар орасида кўпроқ ташвиқот олиб боришимиз керак. Чунки миллатнинг боқийлиги элнинг соғлиғига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда бу Дастурларни амалга оширишда халқаро ҳамкорлик ҳам яхши натижа бераёпти. Бу борада, айниқса, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЮНИСЕФ, ЖССТ, Овқатланишни яхшилаш бўйича Глобал Альянс (GAIN), Япониянинг JICA ташкилотининг кўмаги катта бўляпти. Аҳоли орасида микронутриентлар танқислигининг олдини олиш учун қайғуриш, қонун ижроси учун кураш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мангуликка дахлдор шоир

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда

(Давом. Боши 1-бетда.)

Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил юртимизда Алишер Навоий йили, деб номланди.

Анъанага кўра бу йил ҳам 9 февраль куни ушбу сўлим боғда эрта тонгданок Алишер Навоий ғазаллари билан айтилган куй-қўшиқлар янгради. Бу ерга улуг шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоирлар, ёзувчилар, маданият намояндалари, адабиётшунослар, маънавий тарғиботчилари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қўнчилик палатасининг депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, талаба-ёшлар йиғилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, навоийшунос олима Суйиба Ганиева истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Алишер Навоий меросини миллий, тарихий, маънавий қадриятларимизни тиклаш, адабий-бадиий ва тарбиявий аҳамиятини намоеён этиш жиҳатидан пухта ўрганиш ва талқин этиш борасида кенг қўллаб-қувватлагани таъкидлади. Бу жараёнда улуг бобомиз тараннум этган эзгу ғоялар мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига чуқур синдиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашда, энг муҳими, ёшларни ҳар жиҳат-

дан баркамол инсонлар этиб вояга етказишда бу катта аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида Алишер Навоий асарларининг йиғирма жилдли мукамал тўплами чоп этилди. Ушбу академик нашр Навоийнинг барча асарларини батафсил шарҳлар ва изоҳлар билан китобхонларга етказишга хизмат қилмоқда. Шоир ижодини фундаментал ва амалий тадқиқотларда атрофлича ўрганиш билан бирга, унинг ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, фалсафий, илмий-маърифий қарашларини акс эттирувчи қўллаб-асарлар нашр этилди ва бу хайрли иш изчил давом этмоқда.

Бугун Алишер Навоий асарлари дунёнинг қўллаб-мамулакатида таржима қилинмоқда, катта қизиқиш билан ўрганилаётди. Буларнинг барчаси шоир даҳосига жаҳон аҳлининг юксак эҳтироми, миллий маънавий меросимизнинг кенг эътирофидир.

Тадбирда академик Н.Конрадининг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева шоир асарларидан намуналар ўқиди. «Нихол» муҳофоти совриндори Илёс Арабов Навоий ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқлардан намуналар ижро этди.

Маросим иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Арипов иштирок этди.



Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов буюк шоир улуглаган эзгу ғоялар ёшлар тарбияси, маънавияти ва камолотида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг ижодий меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, мушоиралар, илмий анжуманлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

Назokat Усмонова,
ЎЗА мухбири



Арсолон ҚАННАСАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Уй бекалари хунар ўрганмоқда

Оролбўйида хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириш орқали бандлик даражасини янада ошириш, ишбилармонлик салоҳиятига эга аёлларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун ҳар томонлама қўмаклашиш ишлари қўлама тобора кенгаймоқда.

Нукус шаҳрида мамлакатимиз пойтахтида фаолият кўрса-

таётган «Ифратли келин» ўқув марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ишга туширилгани асосан уй бекаларига пазандалик, тикувчилик, пардалар тикиш, сартарошлик каби йиғирмадан ошик йўналишда касб-хунар эгаллаш имконини яратди. Айни кунларда ўқув марказига қатновчилар сафи тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Косон туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Косон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари

Одилхон ОЧИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг Ташкент шаҳридаги филиали жамоаси меҳнат иқтисоди ва бошқариш кафедраси мудир профессора Баҳодир Умурзоқова падарни бузруквори

АБДУҲАМИД отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Болалар спорти



Тўққиз ёшли Ўзбекистон чемпионлари

Республика шахмат клубида 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида юздан зиёд истеъодли ёш спортчи голиблик учун дونا сурди. Иштирокчилар ўртасида республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда тажриба тўплаган шахматчиларнинг кўпчилиги беллашувларнинг муросасиз ўтишини таъминлади.

Ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Саидқабар Сайдолиевнинг ўйини ва натижалари мутахассисларга манзур бўлди. У тўққиз партиянинг саккизтасида рақибларини мот қилди, бир марта дуранг ўйнади. Жами 8,5 очко жамғарган Саидқабар ўз тенгқурлари ўртасида мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Қизлар ўртасидаги мамлакат чемпионини аниқлаш учун қўшимча тай-брейк учрашувлари ўтказилди. Дастлабки турдан пешқадамликни қўлга олган самарқандлик 9 ёшли Зебо Усмонова (суратда) саккизинчи партияда тошкентлик Ситора Назаровага ютқазди. Бундан унумли фойдаланган қорақалпоғистонлик Селби Кики-

шева очколар бўйича чемпионат етакчисига етиб олди. Саккизтадан очко жамғарган икки шахматчи иштирокидаги тай-брейкда галаба қозонган Зебо Усмонова Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Таъкидламоқ лозимки, Зебо Усмонова беш йилдан бери шахмат билан мунтазам шуғулланади. Мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган. 2010 йили Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида саккиз ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида олтинчи ўринни олган. Бу галги мамлакатимиз чемпионатида у ўн ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида энг юқори ўринни эгаллади.

Давлат солиқ қўмитаси ҳайъат йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январдаги йил якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгиланган вазифалар ижросини ташкиллаштириш ва таъминлаш бўйича Ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги, 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Андижон, Навоий, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Ташкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давлат солиқ органлари, шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги қарорига мувофиқ электр энергияси билан таъминловчи ташкилотларнинг истеъмолчи хўжалик субъектларидан мавжуд дебитор қарзларини ундириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва куриллаётган чоралар ўрганилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти давлат солиқ хизмати органларида хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишда текширишларни тартибга солишга доир қўшимча ҳужжатлари талабларининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар танқидий кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалалар муҳокамаи давомида эришилган ижобий натижаларни эътироф этиш билан бир қаторда, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди ҳамда фаолиятда жиддий камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Муҳокама сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати



АГРОБАНК

«Fitch Ratings»

нуфузли халқаро рейтинг агентлиги «АГРОБАНК» очик акциядорлик тижорат банкни узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини «В» «БАРҚАРОР» даражада тасдиқлади.

Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Агробанк» ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илғор ғояларни, пухта бизнес-режали лойиҳаларни қўлай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр!

Агробанкнинг исталган шаҳар ва туман филиалларига мурожаат қилиб бизнесдаги муваффақиятларга эришинг.

Сиз «Агробанк»нинг марказий аппаратида мавжуд қуйидаги ишонч телефонларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга тааллуқли масалалар бўйича мурожаат қилиш имконига эгасиз.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси - 150-53-58

Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси - 150-85-23

Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси - 150-53-93

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси - 150-85-18

Агробанк -

юрт ободлиги ва яратувчанлик
ғояларининг молиявий таянчи!

BO`LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 249

20013 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01.45

Topshirilgan vaqti — 02.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAYATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afar HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Musihiddin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV